



**“Тошкент” РФБ АЖ  
Кўзатув кенгашининг  
2026 йил 9 июндаги  
Қарори билан  
(23-сон баённомаси)  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Тошкент”  
Республика фонд биржаси  
Акциядорлик жамияти**

**УСТАВИ  
(янги тахрир)**

**Тошкент – 2026 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи “Toshkent” Respublika fond birjasi акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида асосан ташкил этилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон), “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (03.06.2015 й. ЎРҚ-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

1.4.1. Давлат тилида:

- “Toshkent” Respublika fond birjasi aksiyadorlik jamiyati,
- “Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти.

1.4.2. Рус тилида:

- Акционерное общество Республиканская фондовая биржа «Тошкент»;

1.4.3. Инглиз тилида:

- JSC “Toshkent” Republican Stock Exchange;

1.5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

1.5.1. Ўзбек тилида: “Toshkent” RFB AJ; “Тошкент” РФБ АЖ

1.5.2. Рус тилида: АО РФБ «Тошкент»;

1.5.3. Инглиз тилида: JSC RSE “Toshkent”.

1.6. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган ери: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

- почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@uzse.uz](mailto:info@uzse.uz).

1.7. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz).

## II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг давлат тилида тўлиқ ёзилган фирма номи ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий

аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.11. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- биржа фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади - олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошқора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолияти, яъни биржа котировкалаш варағига (листинг) киритилмаган қимматли қоғозлар билан алоҳида савдо майдончасида савдоларни ташкил қилиш фаолиятини амалга ошириш;

- талаб ва таклифнинг ҳақиқий нисбатини аниқлаш асосида қимматли қоғозларнинг нархини шакллантириш орқали қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳамда улар тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда ошқор қилиш йули билан қимматли қоғозларнинг эркин муомаласи учун зарур шарт-шароитлар яратишни таъминлашдан иборат.

3.3. Жамият ўз фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва мақсадларига эришиш учун қуйидаги масалаларнинг ечимини таъминлайди:

- биржа аъзоларига биржа битимларида ва биржа фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи биржа жойи (брокерлик ўрни) бериш, биржа савдоларида тенг ҳуқуқлилиқ асосида иштирок этиши учун савдо тизимига масофадан уланиш имкониятини яратиш;

- қимматли қоғозлар бозорида очиқлик ва ошқоралиқни ҳамда рақобат шароитини

таъминлаш учун биржа аъзоларига савдо натижалари ҳақидаги ахборотларни етказиш, инвестиция воситачиси фаолиятини профессионал тарзда амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар, яъни биржа котировкалаш варағига (листинг) киритилмаган қимматли қоғозлар билан алоҳида савдо майдончасида жамият томонидан ташкил қилинган савдоларда иштирок этувчи инвесторларга савдоларда қатнашиш учун имконият яратиш;

- қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказишни электрон шаклда амалга ошириш;

- биржада савдоларни ташкил қилиш ва ўтказишга замонавий технология ва услубларни тадбиқ қилиш;

- биржа листингига киритилган қимматли қоғозларнинг котировкаланишини биржа савдоси қоидаларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

- биржа аъзолари, биржадаги савдолар иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасида биржадаги савдо қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низоларни қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ҳал этишда кўмаклашиш;

- қимматли қоғозлар билан биржа савдоларини амалга оширувчи мутахассис-трейдерларнинг касбий малакасини ошириб бориши учун шароитлар яратиш;

- биржа фаолияти билан боғлиқ ахборотномаларни, маълумотномаларни ҳамда бошқа ахборот ва реклама нашрларини чиқариш;

- қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3.4. Жамият биржа фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- биржа савдоларини ошқора ва оммавий тарзда ўтказиш;

- биржа савдоларида нархларнинг эркин шаклланиши;

- биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги;

- биржа барча аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши учун шарт-шароитнинг тенглиги.

3.5. Биржа савдоси қоидаларига, савдоларни ташкил қилинишига оид бошқа қоидалар, низомлар ва тартибларга риоя қилиниши амалдаги қонунчилик, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан белгиланадиган тартиб-қоидалар ва Биржа бошқарув органлари қарорлари орқали таъминланади.

Жамият ўз мақсад ва вазифаларини бажариш учун:

- биржа савдоси қоидаларини, савдоларни ташкил қилинишига оид бошқа қоидалар, низомлар ва тартибларни белгилайди ва ўз интернет-сайтида жойлаштиради ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилади;

- биржанинг котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар савдосини ташкил этади;

- алоҳида савдо майдончасида қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолиятини, яъни биржа котировкалаш варағига (листинг) киритилмаган қимматли қоғозлар билан савдоларни ташкил қилади;

- қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларнинг нархини чиқариб туради;

- мунтазам равишда ўз интернет-сайтида ва (ёки) оммавий ахборот воситаларида қимматли қоғозларнинг котировка нархларини эълон қилади, биржа аъзоларини биржа савдоси якунлари тўғрисида хабардор қилади;

- биржа томонидан ташкиллаштирилган савдолар натижалари бўйича ахборотларни ошқора қилинишини таъминлаб боради;

- биржа ўз аъзолари ва уларнинг қимматли қоғозлар билан олди-сотди

жараёнларини бевосита амалга оширадиган трейдерлари учун малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

- амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва Биржанинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда янги аъзолар қабул қилади ва аъзоликдан чиқаради;

- биржа аъзоларининг аккредитациясини амалга оширади;

- қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчиликка мувофиқ биржа битимлари ва қимматли қоғозлар билан бошқа битимлар амалга ошириладиган махсус секциялар ташкил этади;

- қимматли қоғозларни биржа листингига киритиш ва делистинг қилиш тадбирларини амалга оширади ҳамда қимматли қоғозларнинг котировка қилиниш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади;

- биржа фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган нарх белгилаш, ҳакамлик, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини тузади;

- агар биржа битимларининг нархи кун давомида биржа томонидан белгиланган қийматдан ҳам ортиқроқ ўзгариб кетса, биржа савдосини тўхтатади;

- биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди;

- биржа савдоси қоидаларини, савдоларни ташкил қилинишига оид бошқа қоидалар, низомлар ва тартиблар бузганлик учун жарималар ҳамда пенялар белгилайди ва ундиради;

- биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама нашрларини чиқаради;

- биржада савдоларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳужжатларнинг стандарт шакллари ишлаб чиқади;

- ахборот-таҳлилий ишларни амалга ошириш учун қимматли қоғозлар эмиссияларининг ҳажми ва тури ҳамда уларнинг биржада ва фонд бозорида айланиш даражасини таққослаш йўли орқали ўрганади;

- жамият фаолияти моҳиятидан келиб чиқадиган маслаҳат, маълумот ва бошқа хизмат турларини кўрсатади;

- мазкур Уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун амалдаги қонунчилик асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади;

- қонунчилик асосида жамият фаолиятини самарали таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.6. Биржа молия-хўжалик фаолиятини мустақил амалга оширади, ўзаро хўжалик алоқалари хусусиятини ва келишилаётган томонларнинг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган жавобгарлигини белгилашда қонунчилик асосида эркиндир.

3.7. Биржа хорижий фонд биржалари ва уларнинг уюшмалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, шунингдек улар билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик меморандумларини имзолашга ҳақли, қонунчиликка зид бўлмаган тартибда хорижий мутахассисларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби, тури ва миқдорларини, шу жумладан валюта кўринишида, мустақил белгилаган ҳолда ишга жалб этиши мумкин.

3.8. Рухсатнома (лицензия) олиниши талаб қилинадиган фаолият турлари амалдаги қонунчиликка асосан ушбу рухсатнома олинганидан сўнг амалга оширилади.

Жамият қонунчилиқда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

4.1. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Биржа акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Биржа томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг

номинал қиймати бир хил бўлади.

4.2. Биржанинг устав фонди (устав капитали) Биржа мол-мулкининг Биржа кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Биржа давлат мулки негизда ташкил этилаётганда ушбу давлат мулкининг (ташкilotнинг ёки бошқа мол-мулкнинг) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) суммасини ташкил этади.

4.4. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб ҳисобланади ва мазкур Уставдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

4.5. Биржанинг устав фонди 92 716 313 600 ( тўқсон икки миллиард етти юз ўн олти миллион уч юз ўн уч минг олти юз) сўм миқдорида белгиланган ва у ҳар бирининг номинал қиймати 2 560 сўм бўлган 36 217 310 дона оддий эгаси ёзилган акцияларга бўлинган.

4.6. Биржанинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

Жамият ходимлари жамият томонидан жорий қилинадиган акциялар бирламчи оммавий жойлаштирилганда ходимларнинг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

4.7. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

4.8. Акцияларнинг сотилишидан тушган пул маблағлари Биржанинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Хорижий валютадаги пул маблағлари Биржанинг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади.

4.9. Агар Биржанинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Биржанинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкilot томонидан чиқарилиши зарур.

4.10. Биржа жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда номинал қиймати 2 560 сўм бўлган 2 845 190 дона жами 7 283 686 400 (етти миллиард икки юз саксон уч миллион олти юз саксон олти минг тўрт юз) сўмлик эълон қилинган (қўшимча) оддий эгасининг номи ёзилган акциялар жойлаштиришга ҳақли.

4.11. Биржа томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдorigа мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

#### **Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

4.12. Биржанинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.13. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.14. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига

қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати 2560 сўм бўлган 13 671 875 дона оддий акциялардан иборат.

4.15. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилиши мумкин.

4.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.17. Биржа устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шунингдек, қонунчилик ва мазкур Уставга асосан сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар учун ушбу акцияларнинг сотилиш нархи белгиланади.

4.18. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.19. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

4.20. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

4.21. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Биржанинг устав капитални кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитални ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

4.22. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

#### **Жамиятнинг устав капитални камайтириш**

4.23. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.24. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.25. Биржа устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар биржанинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай биржадан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав

фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

## **V. БИРЖАНИНГ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

5.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

5.2. Биржа акцияларининг номинал қиймати 2 560 сўмни ташкил этади.

5.3. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5.4. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

5.5. Биржа кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида акциядорлардан уларга қаршли акцияларни сотиб олишга ҳақли.

5.6. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Биржа тасарруфига ўтган акциялар бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Биржанинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилади ва реализация қилинмаган акциялар бекор қилинади. Биржа тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

5.7. Биржа ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.8. Биржа томонидан ўз акцияларининг олиниши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

5.9. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.10. Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда Биржа ўз акциядорларини Биржа томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этади.

5.11. Биржа ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.12. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

5.13. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.14. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.15. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.16. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган

акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Биржа акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- биржа акциядорларининг реестрига кириш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- биржа фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- биржа тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали биржани бошқаришда иштирок этиш;
- биржанинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношаркат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Биржанинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилганда, ушбу акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Акциядор томонидан ўз ҳуқуқларининг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.2. Акциядорлар амалдаги қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида ушбу йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек дивидендлар олиши, биржа тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ биржа мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Биржа томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат биржанинг акцияларини баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

6.4. Биржа акцияларининг бозор қийматини аниқлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Биржа ўз акциядорларидан уларга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олаётганда акцияларнинг бозор қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда

аниқланади.

6.5. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг Биржа томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Биржага тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг Биржа қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

6.6. Акциядорлар қуйидаги мажбуриятларга эга:

- мазкур Уставда белгиланган тартиб, муддат ва усулларда акцияларнинг қийматини тўлаш;
- биржа фаолияти тўғрисидаги, хизмат, тижорат ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ахборотларни ошкор қилмаслик;
- камида 10 фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар Биржа фаолиятини текшириш учун ташқи аудит ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

## **VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

7.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

8.1. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши
- Ижроия органи (Бошқарув ва унинг раиси).

## **IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш санаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Қоидага кўра, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши, агар жамият кузатув кенгашининг қарори билан йиғилишни ўтказиш учун бошқа сана белгиланмаган бўлса, 15 июн куни ўтказилади.

9.3. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, кузатув кенгаши аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга, бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар

кўрсатиш мустасно. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- Кузатув кенгашини сайлаш;
- жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш);
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 – бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 – бобига асосан Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайерланган Биржанинг молиявий ҳисоботи ташқи аудит ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

9.9. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

9.10. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

9.11. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

9.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

## Х. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат бўлиб, улардан 3 таси мустақил аъзодир.

10.3. Биржа кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини акциядорларга тасдиқлаш учун киритилишидан олдин ўзаро кўриб чиқиш;

- жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижро этувчи органи билан меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, агар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан шунга доир бўлган қарор қабул қилинган бўлса;

- жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш (жойлаштирилмаган акциялар миқдорида) билан боғлиқ масалалар бўйича уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин

фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), бунда аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан фойдаланиш;

- бошқа мақсадли фондларни ташкил этиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

- қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган жамият ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.4. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.5. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни жамиятнинг кузатув

кенгаши томонидан, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун, қоида тариқасида танлов асосида кўрсатиш, бунда акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “headhunter” компаниялар орқали танлаб олинган номзодлар мустақил аъзолик учун жамият кузатуви кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин.

10.6. Қуйидагилар кузатуви кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатуви кенгаши таркибига кирган шахс;

- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатуви кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

10.7. Кузатуви кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатуви кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.8. Кузатуви кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатуви кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

10.9. Кузатуви кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.10. Кузатуви кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатуви кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

10.11. Кузатуви кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатуви кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатуви кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатуви кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.12. Мажлисда кузатуви кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

10.13. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

10.14. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

## **XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

11.1. Жамиятнинг Бошқаруви учта аъзодан иборат бўлиб, унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, мавжуд қонунчилик ва мазкур устав қоидалари доирасида жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

11.3. Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.4. Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

11.5. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари уч йилга сайланади. Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (кайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раиси бўлиши мумкин эмас. Бошқарув раиси, ҳамда бошқарув аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномасини Жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.6. Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

11.7. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

11.8. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

11.9. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

- жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача

ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;
- биржа аъзоларини қабул қилиш, эмитентларни биржа листингига киритилиш, листингдан чиқарилиши ва жамиятнинг фаолияти моҳиятидан келиб чикувчи ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир бошқа қарорлар қабул қилиш.

11.10. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнатва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

11.11. Биржа бошқарувининг ишига кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланадиган шартнома асосида фаолият кўрсатувчи раис раҳбарлик қилади.

Биржа бошқарувининг раиси билан тузиладиган шартномада унинг Биржа фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда йиллик бизнес-режанинг бажарилиши қандай бораётганлиги юзасидан акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.12. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

11.13. Бошқарув ва унинг раиси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши

томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради

11.14. Ижроия органининг аъзолари ишлаб чиқариш, молия, маркетинг, персонал, лойиҳалар, режалаштириш соҳаларида малакага эга бўлишлари лозим.

## **ХII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Биржа кузатув кенгаши аъзолари ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Биржа манфаатларини кўзлаб иш тутати ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12.2. Кузатув кенгашининг аъзолари ва Биржа бошқаруви аъзолари қонун ҳажжатларига ва мазкур уставига мувофиқ Биржа олдида жавобгардир.

12.3. Биржага зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган кузатув кенгаши аъзолари ёки бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

12.4. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Биржа олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

12.5. Биржа ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Биржага етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Биржа кузатув кенгаши аъзоси ёки бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

12.6. Суд Биржанинг кузатув кенгаши аъзосини, ёки бошқаруви аъзосини, жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

12.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, ёки бошқарув аъзоси, қўйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
- қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

12.8. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият Бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

## **ХIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

13.1. Биржа активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Биржада ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати кузатув кенгашига ҳисобдордир.

13.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда

маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

13.4. Аудиторлик ташкилоти Биржа билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Биржа молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти Биржанинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Биржа олдида жавобгар бўлади.

#### **XIV. БИРЖА САВДОСИ ҚОИДАЛАРИ**

14.1. Биржа савдоси қоидалари (бундан кейин Қоидалар) биржа томонидан мустақил ёки четдан мутахассислар ёки ихтисослашган ташкилотларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади.

14.2. Биржа Қоидаларни ишлаб чиқишда биржа ходимларидан ишчи гуруҳи тузишга ҳамда бошқа ихтисослашган ташкилотлар мутахассисларини шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Қоидаларни ишлаб чиқиш жараёнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи вакиллари иштирок этишлари мумкин.

14.3. Қоидаларни ишлаб чиқиш биржанинг юридик хизмати, биржа савдоларини ўтказишга ҳамда биржа савдо тизими дастурий-техник мажмуасини ишлатишга маъсул таркибий бўлинмаси ходимлари ва қоидаларни ишлаб чиқиш заруриятига боғлиқ бўлган бошқа ходимлар иштирокида амалга оширилади.

14.4. Қоидаларни ишлаб чиқиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қоидаларнинг матнини ишлаб чиқиш;
- қоидаларнинг биржа Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши;
- биржа савдолари электрон тизимининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;
- биржанинг ички меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш.

14.5. Биржа савдоси қоидаларида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- биржада амалга ошириладиган биржа битимларининг турлари;
- биржа битимлари қатнашчиларининг таркиби ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблар йиғиндиси;
- биржа савдоларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини рўйхатга олиш тартиби, биржа битимлари ва уларнинг расмийлаштириш тартиби;
- қимматли қоғозларни котировка қилиш тартиби;
- қимматли қоғозларни биржа котировкалаш варағига киритиш тартиби (листинг);
- биржа битимлари иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;
- биржа савдосида муомалада бўлган стандарт контрактларнинг таърифи;
- савдо майдончалари ва секцияларининг рўйхати ва номлари, агар улар биржа томонидан ташкил этилган бўлса,;
- биржа савдоларини ўтказиш тартиби;
- биржа аъзоларига ахборот хизмати кўрсатиш тартиби;
- биржада нарх-навонинг юзага келиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;
- биржадаги низоларни ҳал этиш тартиби;
- биржа савдолари қоидаларини бузганлиги учун биржа аъзолари ва

ходимларининг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар.

- қонунчиликка мувофиқ бошқа қоидалар.

14.6. Биржа аъзолари биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этишлари мумкин, бунда улар асосланган таклифлар билан биржага муурожаат қилишлари лозим.

14.7. Қоидалар ишлаб чиқилгандан сўнг Биржа Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига тасдиқлаш учун киритилади. Ишлаб чиқилган қоидалар, биржанинг Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлангангадан сўнг қабул қилинади ва биржа сайтида, биржанинг ахборот қомуникация каналларида эълон қилинади.

14.8. Агар қоидаларнинг матни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиш жараёнида қабул қилинмаса, қоидаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг келишиш ва тасдиқлаш учун мазкур бўлимда белгиланган тартибда киритилади.

14.9. Биржа савдо тизимининг дастурий-техник мажмуасини модернизация қилиш (дастурий таъминотни қайта ишлаб чиқиш) зарурияти бўлмаганда, қоидалар Кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатда ёки эълон қилинганидан сўнг амалиётга киритилади.

14.10. Биржа савдо тизимининг дастурий-техник мажмуасини модернизация қилиш (дастурий таъминотни қайта ишлаб чиқиш) зарурияти бўлганда, қоидалар модернизация (қайта ишлаб чиқиш) ишлари тугагандан сўнг ўн кун муддат ичида ёки Кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатда амалиётга киритилади.

14.11. Биржа Кузатув кенгаши мажлисининг қарори билан янги тахрирдаги қоидаларнинг кучга киритилиши билан бир вақтда аввалда амалда бўлган қоидалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

14.12. Қоидаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўлимнинг бандларига мувофиқ равишда амалга оширилади ва кучга киритилади.

## **XV. ФИЛИАЛЛАР ВА ВАКОЛАТХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ**

15.1. Биржа филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли. Биржанинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Биржанинг балансида ҳисобга олинади.

15.2. Филиал Биржа жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки бир қисмини, шу жумладан Биржанинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмадир.

15.3. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Биржа томонидан тайинланади ва Биржа томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

15.4. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган Биржа зиммасида бўлади.

15.5. Биржа Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар жойлашган мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

## **XVI. БИРЖА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ**

16.1. Биржа Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

16.2. Бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли

органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Биржанинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорлар ва кредиторларга тақдим этиладиган Биржа фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун Биржа бошқаруви жавобгардир.

16.3. Биржанинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги, мулкӣ манфаатлари Биржа ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади.

16.4. Биржанинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади.

## **XVII. БИРЖА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ**

17.1. Биржа:

- биржанинг уставини, уставга киритилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Биржани ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- филиал ёки ваколатхона ҳақидаги низомни;

- биржанинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- акциядорлар умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, ва бошқарув мажлисларининг баённомаларини, шунингдек бошқарув раисининг буйруқларини;

- аффилиланган шахслар рўйхатларини;

- акциядорлар реестрларини;

- аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органлари текширув далолатномаларини сақлаши шарт.

Биржа қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

## **XVIII. БИРЖАНИНГ АКЦИЯДОРЛАРГА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШИ**

18.1. Биржа ушбу Уставнинг 20.7-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек бошқарув раисининг буйруқлари ва акциядорлар реестри мустасно.

18.2. Биржа акциядорнинг ёзма талабига кўра унга ушбу Устав ва қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этади.

18.3. Биржа сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар Биржа ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирлар ҳақидаги ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

18.4. Акциядор (акциядорлар) даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқиладиган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирларини ёки қонун

билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

## **XIX. БИРЖА ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ**

19.1. Биржа қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга оширади.

19.2. Биржа ўз расмий веб-сайтида акциялари фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул эълон қилади.

## **XX. БИРЖАНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ**

20.1. Биржанинг битим тузишидан манфаатдор шахслар Биржага нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

20.2. Қуйидагилар Биржанинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

- биржанинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

- биржанинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

- кузатув кенгаши аъзоси ёки биржа бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

- биржа қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- биржанинг шўъба хўжалик жамияти;

- биржа устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

- биржа бошқаруви аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

- яқин қариндошлари билан биргаликда Биржа кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбари ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

- биржа бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

- биржа билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

20.3. Қуйидагилар Биржанинг аффилиланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

- жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

- акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

20.4. Аффилиланган шахс Биржа билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда

иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Биржани хабардор этиши шарт.

20.5. Биржа аффилиланган шахслар рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили эълон қилади.

20.6. Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрғанади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши Биржага келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

20.7. Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

20.8. Биржанинг аффилиланган шахси кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

20.9. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

20.10. Биржанинг аффилиланган шахслари билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## **XXI. БИРЖАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

21.1. Биржа қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

21.2. Биржанинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши:

- акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21.3. Биржани қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

21.4. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Биржа ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

21.5. Кредитор Биржадан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

- бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

21.6. Биржанинг қайта ташкил этилиш ва тугатилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 10-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## **XXII. БИРЖАНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ**

22.1. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун

хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

22.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

### **XXIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

23.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

23.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

23.3. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.